



## Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Мұхаммад соллаллоху алайҳи ва саллам), **Аллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга** (саҳобаларингизга) **юмшоқ сўзли бўлдингиз**. Агар қўпол, бағри тош бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар». (Оли Имрон: 159).

«**Любовь**») «**Любовь**»).

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алаихи ва саллам айтдилар: «Албатта Аллоҳ ҳалим, ҳар бир ишда ҳалимликни яхши кўрувчи Зотдир» (Муттрафақун алайх).

«**И**стория о любви к родине» : «**Л**юбовь к родине») «**Л**юбовь к родине»).

Иbn Аbbос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдулқайс қабиласилик Ашажга: «Сизда Аллоҳ яхши кўрадиган иккита хислат – ҳалимлик ва оғир-босиқлилик бор», дедилар (Имом Мұслим ривояти).



Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мулойимлик қай бир нарсада бўлса уни зийнатли қиласи, қай бир нарсадан суғурилган бўлса уни айбли қиласи» (Имом Мұслим ривояти).

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхұдан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: «Кім  
мұлойимликдан маҳрум бўлса, яхшиликтан маҳрум бўлибди» (Муслим  
ривояти).

«**История** **Санкт-Петербурга** **и** **Северной** **России**» : **Историко-литературный** **журнал** **Санкт-Петербурга** **и** **Северной** **России** **(1863—1865)** **и** **Санкт-Петербургский** **историко-литературный** **журнал** **(1865—1867)**) «**История** **Санкт-Петербурга** **и** **Северной** **России**» **(1863—1865)**).

Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизларга дўзахга ҳаром бўладиган – ёки дўзах унга ҳаром бўладиган – одам ҳақида айтиб берайми?! (Одамларга ўзини) яқин тутувчи, мулойим ва очиққўнгил ҳар бир кишига (дўзах ҳаромдир)» (Имом Термизий ривояти).



Оиз ибн Амр розияллоху анхудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Роъий (ҳоким)ларнинг энг ёмони бераҳмларидир» (Имом Муслим ривояти).

## Шарх:

Мулойимлик, оғир-босиқ бўлиш ҳамда шошқалоқ бўлмаслик Аллоҳ яхши кўрадиган, Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарғиб қилган хислатлардан. У мусулмонлар ўртасида раҳм-шафқат, меҳр-муруват тарқалишига ва бунинг натижасида кўп яхшиликлар ҳосил бўлишига сабабдир. Қўполлик, тошбағир ва раҳмсизлик Аллоҳ ёмон кўрадиган, Ислом қоралаган ёмон ахлоқлар жумласидан бўлиб, мусулмон киши ундан сакланиши лозим. Чунки у кибр ва зўравонликдан содир бўлади.

### **Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Аллоҳ ҳар бир ишда мулойимлик бўлишини яхши кўради.
  2. Мулойимлик яхшиликларга сабаб бўлади.
  3. Халқлар билан мулойим ва очиққўнгиллик билан муомала қилиш - жаннат аҳлининг сифатларидан.